



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2024  
2/2-сон



## МУНДАРИЖА:

<b>НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ</b>	
<b>Соҳибназар Каримов</b> Тасаввуф таълимотида тарбия хизмати масаласи	5
<b>Diyor Haqberdievich Xolmamatov</b> Ulgurji savdoni iqtisodiyotdagi o‘rni va ahamiyati bilan bog‘liq ilmiy-nazariy qarashlar	11
<b>Shohida Kamoliddin qizi Jo‘raboyeva</b> Eksport salohiyati tushunchasining konseptual asoslari	15
<b>Rustam Nuridinovich Jiyamuratov</b> Hududiy eksport salohiyatini oshirishga oid nazariy yondashuvlar	22
<b>РАҚАМЛИ ВА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ</b>	
<b>Ziyobidin Shaminovich Suvonov</b> Sun‘iy intellekt va uning imkoniyatlari	27
<b>САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Фарход Бахриддинович Ахроров</b> Ўзбекистонда ер ресурсларини баҳолашнинг экологик-иқтисодий услубияти	31
<b>Shexroza Madjitovna Karimova</b> Qovoq – funksional oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarishda istiqbolli xomashyo	36
<b>ТАДБИРКОРЛИК, МЕХНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ</b>	
<b>Феруза Асатовна Ишонкулова</b> Необходимые условия для успешной деятельности предпринимательства в Республике Узбекистан	39
<b>Rahmatillo Miralimovich Egamov, Rushona Sheraliyevna Husainova</b> Hududiy iqtisodiyotning rivojlanishida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning o‘rni	45
<b>ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС</b>	
<b>Сарвар Аюбовна Исхакова</b> Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда тadbirkorlikнинг салоҳиятидан фойдаланиш имкониятлари	49
<b>Zoxid Sobirovich Axmedov</b> Transport logistikasi xizmatlari samaradorligini oshirishda innovatsion jarayonlarning qo‘llanilishi	53
<b>Обид Мамаюнович Пардаев</b> Хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш ҳисобига маҳаллалар ободлигини таъминлаш масалалари	57
<b>Фарход Анварович Сафаров</b> Ўзбекистонда хизматлар соҳасининг комплекс стратегик таҳлилинини TOWS-матрицаси ёрдамида амалга ошириш имкониятлари	60
<b>Orzujon Mamasoliyevich Rajabov</b> Logistika xizmatlari samaradorligini oshirishda raqamli texnologiyalardan foydalanish	65
<b>Bekzod Maxsudovich Abdumannonov</b> Ekologik toza jamoat transportidan samarali foydalanish – avtomobillar tirbandligini bartaraf etishning kafolatidir	70

Обид Мамаюнович Пардаев – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, департамент директорининг биринчи ўринбосари, СамИСИ тадқиқотчиси, PhD.

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲИСОБИГА МАҲАЛЛАЛАР ОБОДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** мақолада хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш ҳисобига маҳаллалар ободлигини таъминлаш масалалари ва уларни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари кўриб чиқилган. Бунда “Маҳалла сервис компанияси” фаолиятини жорий қилиш таклифи асосланган. Шунингдек, ушбу янги тизимдан фойдаланишнинг бугунги кун талабидан келиб чиқадиган стратегик йўналишлари, масъуллар ва ижросини таъминлашда амалга ошириладиган тадбирлар кетма-кетлиги ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** хизмат кўрсатиш соҳаси, коммунал хизматлар, маҳалла, маҳалла ободлиги, стратегия, стратегик йўналишлар, сервис компанияси.

**Кириш.** Бугунги кунда аҳолининг фаровонлиги, ҳаётдан қониқиб яшаши бевосита маҳаллага боғлиқ бўлганлиги муносабати билан мамлакатимиз раҳбарияти томонидан ушбу соҳага катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ги ПФ-27–сонли Фармони ҳамда 2022 йил 25 октябрдаги “Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган лойиҳаларни молиялаштириш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-409–сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 майдаги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини жамоатчилик фикри асосида ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари орқали амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом” ни тасдиқлаш ҳақида” ги 183-сонли қарори қабул қилинди. Буларнинг барчаси маҳаллаларни янада ободонлаштиришга, аҳолининг яшаш сифатини оширишга қаратилган тадбирлардир.

Кўрсатилган фармон ва қарорларда белгиланган вазифаларни сифатли амалга ошириш учун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида (*шаҳар ва қишлоқларида ҳам*) маҳаллалар ободлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Кўриниб турибдики, мазкур мақола учун танланган мавзу бугунги куннинг долзарб муаммолардан бирининг ечимига бағишланган.

**Тадқиқот методологияси.** Мақолани тайёрлаш ва тегишли хулосаларни шакллантиришда мантиқий, иқтисодий ва қиёсий таҳлил, макон ва замон, индукция ва дедукция, тизимли ёндошув каби мантиқий ва таҳлилий усуллардан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Ҳозирги пайтда, шаҳар ҳудудларида “**Бошқарув сервис компаниялари**” томонидан кўп қаватли уйлар атрофини турли чиқиндилардан тозалаш, уларни ободонлаштириш, коммуникация тармоқларига улаш орқали хизмат кўрсатиш амалга оширилади. Аммо қишлоқ жойлардаги маҳаллаларда, яқка тартибдаги уй-жойлар аҳолиси учун бундай хизматларни кўрсатувчи ташкилот мавжуд эмас. Шу туфайли қишлоқ жойлардаги маҳаллалар ободлигини таъминлаш, асосан маҳалланинг ўзига юқлатилган. Шу туфайли ушбу ҳудудларни ободонлаштиришга янгича механизмларнинг жорий қилиниши талаб этилмоқда.

Маълумки, қишлоқ жойларда маҳаллаларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва тозалаш ишлари йилда **1-2 марта** асосан ҳашар йўли билан ёки яқка тартибдаги уй-жойлар эгалари томонидан мустақил амалга оширилилади. Жуда кўп маҳалалар бундай ободонлаштириш ишларини ўз-ўзини бошқариш принципига таянган ҳолда мустақил амалга ошириб келишмоқда. Бу албатта яхши, кўрсатилган ишларни ўз вақтида бажариш учун масъул тизим йўқ. Шуларни инобатга олиб, маҳаллаларда “**Маҳалла сервис компанияси**” ни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ушбу субъект ўзи тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, барча ободонлаштириш ишларини ўзи мустақил амалга оширади.

Хуллас, маҳалла ободлиги билан шуғулланувчи “Маҳалла сервис компанияси” ташкил этишнинг ташкилий чора-тадбирлари аниқ белгилаб берилиши лозим. Бизнинг таклифимиз асосида 2024 йилда 150 дан ортиқ маҳаллаларда эксперимент доирасида “Маҳалла сервис компанияси” ташкил этилиб, уларнинг фаолияти ўрганилиши кўзда тутилган. Ушбу Сервис компанияси маҳалла фуқаролар йиғини кенгашининг қарори асосида ўзининг ҳудудида жойлашган **салоҳиятли тадбиркорлар орасидан танлаб олинади**. Сервис компанияси мазкур маҳаллада тегишли имтиёзларга эга бўлади. Уларга маҳаллалар биноси ҳудудида **бепул** фойдаланиш ҳуқуқи асосида хоналар ажратилади ҳамда уларга ободонлаштириш учун зарур бўлган техник воситалар ва ускуналар бепул фойдаланишга берилади. Шу йўл билан сервис компанияларида амалга ошириладиган ишлар тез ва самарали амалга оширилишига эришилади.

Яна бир муҳим жиҳат, Сервис компаниясига устувор равишда маҳаллада истиқомат қиладиган **вақтинча ишсиз бўлган, мавсумий ишларга чиқадиган фуқаролар** жалб қилиниши кўзда тутилган. Кўриниб турибдики, шу йўл билан маҳаллада ишсизлар сони камаяди, бандлик даражаси ошиб, камбағалликни қисқартиришига имкониятлар яратилади. Таъкидлаш жоизки, Сервис компанияси ҳудуд ободлигини таъминлаш ишларини маҳалла фуқаролар йиғинининг буюртмаси ва назорати асосида амалга оширади.

Таъкидлаш жоизки, “Маҳалла сервис компанияси” томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг турлари аниқ белгиланган бўлиши лозим. Унга, маҳалла ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини бажариш, ариқлар ва суғориш тизимларини тозалаш, кўчаларнинг тозаллигини таъминлаш, кўчатлар экиш ва парваришлаш ишлари билан шуғулланиш каби бир қатор вазифалар юклатилади.

Шунингдек, Сервич компанияси маҳалла ҳудудида жойлашган ижтимоий соҳа объектларида ободонлаштириш ва коммунал эксплуатация хизматларини кўрсатишда, чиқиндиларни йиғиб саралашда ва чиқинди корхоналари томонидан олиб чиқиб кетилишини ташкил этишда бевосита иштирокчи, ижрочи ва назоратчи вазифаларини ўтайди. Шунингдек, аҳолининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, бир қанча ижтимоий аҳамиятга эга бўлган пуллик хизматларни ҳам кўрсатади. Ушбу хизматларнинг бажарилиши маҳалланинг ободлигини, аҳолининг яшаш сифатини оширишга хизмат қилишини инобатга оладиган бўлсак, Ўзбекистон маҳаллалари учун катта имкониятларнинг очилганлигидан далолат берган бўлади.

Маҳаллалар ободлигини билан боғлиқ ташкил қилиниши лозим бўлган тадбирларни молиялаштириш манбалари ҳам аниқ белгиланган бўлиши лозим. Молиялаштириш манбаларига қуйидагиларни киритиш мумкин. Бу қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топган (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Маҳаллалар фаолиятини молиялаштириш манбалари ва уларнинг амалга ошириш йўллари**

Т/р	Молиялаштириш манбалари	Молиялаштиришни шакллантириш йўллари
1.	Хайрия ҳашарларини уюштириш	Маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, бир йилда бир ёки икки марта хайрия ҳашарларини уюштириб маблағини маҳалла фондига ўтказиш лозим бўлади
2.	Аҳолининг маҳаллага хайрия қилишини ташкил қилиш	Айрим маҳаллаларда йирик тадбиркорлар маҳалла фондига ўзларининг йиллик даромадларидан хайрия сифатида ўтказиб берилади.
3.	Маҳаллага Давлат ва маҳаллий бюджетлардан маблағ ажратиш	Ҳозирги кунда Президентимизнинг кўрсатмасига биноан давлат бюджетидан ҳар бир маҳаллага маълум миқдорда маблағ ажратилиши кўзда тутилган.
4.	Маҳаллада ташкил қилин-	“Кўмак жамғармаси”га ўзини ўзи банд қилган

	ган “Кўмак жамғармаси”га ўзини ўзи банд қилганлар даромадларидан 10 %	фуқаролардан олинган даромадларининг 10 %ни ўтказиб бериш амалиёти айрим маҳаллаларда тажриба тариқасида амалга оширилмоқда.
5.	Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан	Маҳаллани ободонлаштириш ишлари учун Маҳалла фуқаролар йиғинларига ҳар ойда маълум миқдорда белгиланган миқдорда маблағ ажратилиши ҳам мақсадга мувофиқ.

Жадвалдан кўриниб турибдики, энди маҳаллаларда ўзининг маблағи бўлиши мумкинлиги кўзда тутилмоқда. Бу мазкур субъектнинг фаолияти самарадорлигини ошириш имкониятини яратади. Ушбу маблағлар нафақат ободонлаштириш, балки маҳалланинг бошқа эҳтиёжлари учун ҳам сарфланади. Булар ўз навбатида аҳолининг яшаш сифатини ошириш имкониятини ҳам яратади. Маҳалла сервис компанияларини қўшимча қўллаб-қувватлаш чоралари ҳам белгиланмоқда. Бунда маҳаллани обод қилиш билан боғлиқ ишларни бажариш, шунингдек маҳалла аҳолисига ижтимоий аҳамиятдаги пуллик хизматларни кўрсатиш доирасида даромад, фойда, мол-мулк, ер солиқлари ҳамда ижтимоий солиқ тўловларини тўлашдан озод этиш таклифи ҳам қараб чиқилмоқда.

Эндиликда маҳаллалар ободлигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий меъёрлари ҳам белгилаб берилиши лозим. Бунда тегишли Давлат органларига бир қанча таклифлар киритилиб, уларни тасдиқлаш орқали ҳуқуқий асослар яратилиши лозим. Шундай қилинса, Сервис компаниялар томонидан фаолият юритиш ва хизмат кўрсатиш ҳамда уларни молиялаштириш механизмларини ҳал қилиш чоралари кўрилади ва ушбу жараённинг қонуний асослари яратилади.

Қайд этиш жоизки, ҳозирги кунда маҳаллаларда якка тартибда уй-жойларда истиқомат қилаётган оилалар сони анчагина. Улар бир-бири билан маҳалла доирасида бирлашган ҳолда ушбу жараённинг бевосита иштирокчилари бўлишлари лозим. Шу мақсадда “**Обод хонадон – обод кўча – обод маҳалла**” тамойили асосида яшашлари амалга оширилмоқда. Аммо буни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизми ҳам ишлаб чиқилмаган. Бу ҳолатни инобатга олиб, маҳаллаларда якка тартибдаги уй-жойларда истиқомат қилиш ва фаолият юритишнинг ҳуқуқий мезонлари, қоидалари яратилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги пайтда “Маҳалла сервис компанияси” фаолияти йўлга қўйилиши натижасида бир қанча ижобий ютуқларга эришилади. Энг аввало, маҳаллаларнинг муаммоси маҳалланинг ўзида баратараф этилиб, кўчаларга фэйз киради, аҳолида яшаш ва озодалик маданияти шаклланади. Озодалик бор жойда барака бўлади. Шу тариқа маҳаллаларга барака киради. Муҳими, ёшларимиз озодаликка кўникиб улғаяди. Бу тарбиянинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Яна бир муҳим жиҳат, маҳалла ҳудудида яшовчи усталар, дурадгор ва бошқа касб эгаларининг бандлиги таъминланади. Чунки улар ишсиз бўлса, бевосита маҳаллада ташкил қилинган “Маҳалла сервис компанияси”га ишга жалб қилинади. Шу тариқа бандлик даражаси ошиб, ишсизлар камайиб, камбағаллик даражасининг пасайишига асос бўлади. Маҳалла ҳудудида яшовчи усталар, дурадгор ва бошқа касб эгалари шу маҳаллада яшаб, бошқа жойда ишлаётган бўлса, уларга шу ўзининг маҳалласида фаолият олиб бориш имконияти яратилади. Шу тариқа унинг вақти, транспорт қатновига сарфланадиган маблағлари ҳам тежалишига эришилади.

Тадқиқот натижасида бир қанча таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга муваффақ бўлдик. Булар:

**Биринчидан**, бугунги кун эҳтиёжидан келиб чиқиб, мамлакатимиз маҳаллаларда “**Маҳалла сервис компанияси**”ни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Ушбу субъект ўзи тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, барча ободонлаштириш ишларини ўзи амалга ошириши эвазига аҳолининг фаровонлиги ва сифатли яшаш имкониятларини оширади.

**Иккинчидан**, маҳаллалар фаолиятини молиялаштириш манбалари ва уларнинг амалга ошириш йўллари ҳам ишлаб чиқилди. Мухими, ушбу тадбирларнинг ташкилий-ҳуқуқий меъёрлари ҳам белгилаб берилиши лозимлиги асосланди ва тегишли Давлат органларига бир қанча таклифлар киритилиб, уларни тасдиқлаш орқали ҳуқуқий асослар яратилиши асосланди.

**Учинчидан**, яқка тартибда уй-жойларда истиқомат қилаётган оилалар маҳалла фаолиятига бевосита иштирок этишлари учун улар “**Обод хонадон – обод кўча – обод маҳалла**” тамойили асосида яшашлари амалга оширилиши таъминланиши лозим, деган таклифни бермоқдамиз ва буни амалга ошириш учун унинг ҳуқуқий асосларини ҳам ишлаб чиқилш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, биз ишлаб чиққан тавсияларимиз амалиётга жорий қилинса, шаҳар ва қишлоқ жойлардаги маҳаллаларда йиллар давомида ечилмай келаётган қатор муаммоларни ҳал қилишнинг самарали механизмлари яратилади.

<p><b>О.Пардаев</b></p> <p><b>Вопросы обеспечения благоустройства махаллей за счет улучшения сферы услуг</b>  <b>Аннотация:</b> В статье разработаны вопросы обеспечения благополучия махаллей и стратегические направления их развития за счет улучшения сферы услуг. При этом рассмотрены основные предложение о внедрении деятельности «Махаллинской сервисной компании». Также разработаны стратегические направления использования этой новой системы, ответственность и последовательность действий по обеспечению их внедрения.  <b>Ключевые слова:</b> сфера услуг, коммунальное хозяйство, махалля, развитие микрорайона, стратегия, стратегические направления, сервисные предприятия.</p>	<p><b>O.Pardaev</b></p> <p><b>Issues of ensuring improvement of mahallas by improving the service sector</b>  <b>Annotation:</b> The article develops issues of ensuring the well-being of mahallas and strategic directions for their development by improving the service sector. At the same time, the main proposals for introducing the activities of the Mahalla Service Company were considered. Strategic directions for using this new system, responsibilities and sequence of actions to ensure their implementation have also been developed.  <b>Keywords:</b> service sector, public utilities, mahalla, neighborhood development, strategy, strategic directions, service enterprises.</p>
--	---

**Фарход Анварович Сафаров** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, и.ф.д.

### ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИНГ КОМПЛЕКС СТРАТЕГИК ТАҲЛИЛИНИ TOWS-МАТРИЦАСИ ЁРДАМИДА АМАЛГА ОШИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ

<p><b>Аннотация:</b> мақолада мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг комплекс стратегик таҳлили SWOT-таҳлилнинг такомиллашган кўриниши – TOWS-матрицасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган. Бунда ташқи ва ички омилларни ўрганиш натижасида уларнинг гуруҳлараро интеграциясини амалга ошириш таклиф этилган.  <b>Калит сўзлар:</b> хизматлар соҳаси, стратегия, SWOT-таҳлил, TOWS-матрица, ижобий таъсир, салбий таъсир, ички муҳит, ташқи муҳит.</p>
---

**Кириш.** Ҳозирги даврда жаҳонда шиддат билан ўзгариб бораётган жараёнларни эътиборга олган ҳолда мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш ва уни иқтисодиётимизнинг етакчи соҳасига айлантириш борасида янги имкониятлардан (технологиялар, усуллар, ёндашувлар ва х.к.) фойдаланиш замон талабига айланиб

ISSN 2091-5187

❧ “СЕРВИС” ❧

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

27.05.2024 йилда теришга берилди. 14.06.2024 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт  
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0076В/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.